

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2022 йил март ойининг 9 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Абдулхаев, судья ёрдамчиси И.Шахабованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтоҳур туман прокурорининг ўринбосари М.Шукуруллаева ва прокурор катта ёрдамчиси М.Бердикиличова, судланувчи ААААААА, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, “Farmon Sarvari Olam” адвокатлик бюроси адвокати Н.Нурматова, жабрланувчининг қонуний вакили Н.Витошнова ва таржимон Х.Газибековларнинг иштирокида, АААААААга нисбатан 1-1003-2204/145-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

ААААААА – 0 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, пенсионер, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар 1-хонадонда яшовчи, иш бўйича уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланган, 15.12.2021 йилдан қамоқда сақланган, айблов хулосаси нусхасини 01.02.2022 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилини кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи ААААААА, 2021 йил 22 октябрь куни, соат 08:20ларда, давлат рақами давлат рақами 01 М 394 РВ бўлган, “Lacetti” русумли, автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи барча ҳужжатлар асосида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Нурафшон кўчаси бўйлаб, Самарқанд Дарвоза кўчаси томондан, Кўкчадарвоза кўчаси томонга бошқариб, 3а-уй қаршисида, йўлда бўлган ҳолатга ва ўзгаришларга эътибор бермасдан, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 53-банди ва 59-банди талабларини бузиб, яъни “ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак” ва “рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўлнинг чорраҳадан ташқари жойида чапга бурилиш ёки қайрилиб олишда қарама-қарши йўналишдан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт” деб кўрсатилган талабларига амал қилмасдан, орқага бурилиб олиш жойидан, бурилиш мақсадида, йўналишини чапга ўзгартириб 10-15 ки/соат тезликда ҳаракатланиши оқибатида, унга нисбатан қарама-қарши йўналишда яъни



Нурафшон кўчаси бўйлаб, Кўкчадарвоза кўчаси томондан, Самарқанд Дарвоза кўчаси томонга 70 км/соат тезликда ҳаракатланиб келаётган Саидахмедов Саидамирхон Саидмуродхон ўғлининг бошқарувидаги давлат рақами 01 А 121 НВ бўлган “Lacetti” русумли автомобилни ўтказиб юбормасдан тўкнашув содир қилган. Натижада давлат рақами 01 М 394 РВ бўлган “Lacetti” русумли автомобилни йўловчиси Криницкий Георгий Валентинович тан жароҳатлари олиб, “ТТА кликаси”га мурожаат қилган ва 2021 йил 23 октябрь куни Г.Криницкий олган оғир тан жароҳатлари оқибатида вафот этган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 19 ноябрь кунги №1236-сонли хулосасига кўра, Г.Криницкийнинг ўлими мазкур йўл-транспорт ҳодисасида олган “кўкрак ва бош ёпиқ кўшма жароҳатлари натижасида икки томонлама ўнгдан 1-2-3-4-5-6 қовурғалар, чапдан 1-2-3-4 қовурғалар ёпиқ синишларидан бош мия юмшоқ пардалари остига ва кўкрак бўшлиғига қон қуйилиши” каби ҳаёт учун хавфлий бўлган “оғир” тан жароҳатлари оқибатида юзага келганлиги, ушбу жароҳатлар унинг ўлими юз бериши билан боғлиқлиги аниқланган.

Баҳолаш хулосасига кўра, давлат рақами 01 А 121 НВ бўлган “Lacetti” русумли автомобилга жами 23.559.116 сўм моддий зарар ва баҳолаш учун 500.000 сўм тўлаганлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган ААААААА дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни 2021 йил 22 октябрь куни соат 08:20ларда, давлат рақами 01 М 394 РВ бўлган “Lacetti” русумли автомобилни юксиз, бир нафар йўловчи Г.Криницкий билан Шайхонтоҳур туманида жойлашган Нурафшон кўчаси бўйлаб, Самарқанд Давроза кўчаси томондан бошқариб, За-уй қаршисига етганида орқага бурилиб олиш жойига бориб, орқага бурилиш учун тўхтаганлигини, уни ўнг томонида иккита автомобил ҳам бурилиш учун чап четки қаторда тўхтаб турган бўлганлигини, у автомобил йўқ деб ўйлаб, қўзғалиб, 10-15 км/соат тезликда ҳаракатланиб бурила бошлаганлигини, шу вақтда унга нисбатан, ўнг томондан яъни қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келган ҳайдовчи С.Саидахмедовнинг бошқарувидаги давлат рақами 01 А 121 НВ бўлган, “Lacetti” русумли автомобилни олди чап қисми билан уни бошқарувидаги “Lacetti” русумли автомобилнинг ўнг ён ўрта қисмига урилиб тўкнашганлигини, ҳодиса оқибатида уни йўловчиси тан жароҳатлари олиб, ҳодиса жойига келган тез тиббий ёрдам автомобилида касалхонага олиб кетилганлигини, шундан сўнг ЙХХБ ходимлари ҳодиса содир бўлган жойга келиб, у билан С.Саидахмедовнинг кўрсатмаларига кўра чизма чизиб, ҳужжатлар расмийлаштиришганлигини, қилмишидан пушаймонлигини баён қилиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи ААААААА ўз айбига тўлиқ иқроп бўлса-да, унинг айби қуйидагилар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили тариқасида сўроқ қилинган Н.Витошнова дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни 2015 йилдан буён Г.Криницкий билан шарий никоҳда бўлганлигини, Г.Криницкий нафақада бўлса-да “Каш Люкс” МЧЖда консультант бўлиб ишлаганлигини, 2021 йил 22 октябрь куни соат 08:45ларда



уйдан чиқиб ишга кетганлигини, 15 дақиқа ўтиб, унга нотаниш фуқаро қўнғироқ қилиб, Г.Криницкий ЙТХга учраб тан жароҳатлари олганлигини хабар берганлигини, шу заҳоти Нурафшон кўчасига югириб чиққанлигини ва узокрокда тез тиббий ёрдам автомобили турганлигини кўриб, ҳодиса жойига борганлигини, тез ёрдам автомобили олдида келганида турмуш ўртоғи Г.Криницкийни тез ёрдам замбилида ётганлигини кўрганлигини, ҳодиса жойида, турмуш ўртоғи йўловчи бўлиб ўтирган “Lacetti” русумли автомобили бурилиш вақтида, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келган бошқа “Lacetti” русумли автомобилни ўтказиб юбормасдан тўкнашув содир қилганлигини билганлигини, тез тиббий ёрдам автомобилида турмуш ўртоғи билан уни ТТА клиникасига олиб боришганлигини, шифохонада турмуш ўртоғини текшириб, рентген қилиб, қовурғаси синганлигини аниқлашганлигини ва турмуш ўртоғи Г.Криницкий шифохонада ётиб даволанишдан рад қилиб уйга кетганлигини, тунга яқин Г.Криницкийни тоби бўлмайд қолганлигини ва тез тиббий ёрдам автомобили чақирганлигини, лекин Г.Криницкий яна шифохонага кетишдан бош тортганлигини, эрталаб 06:00ларда Г.Криницкий вафот этганлигини ва уни экспертизага олиб кетишганлигини, уша куни барча маросимларни ўтказиб, дафн қилганлигини, лекин судланувчи ААААААА унга моддий ёрдам кўрсатмаганлигини, шу сабабли, судланувчига нисбатан моддий ва маънавий даъвоси борлигини баён қилиб, судланувчига қонуний чора кўришни сўраб кўрсатувлар берди.

Суд мажлисига келмаган фуқаровий даъвогар С.Саидахмедовнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари судланувчи ва тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилди.

Бундан ташқари судланувчи АААААААнинг айби иш ҳужжатларида мавжуд бўлган йўл транспорт ҳодисаси бўйича маълумотнома, йўл транспорт ҳодисаси рўй берган жойни кўздан кечириш ҳақида баённома ва унга илова қилинган фотожадваллар, транспорт воситасини техник ҳолатини кўздан кечириш ва текшириш бўйича баённома, тушунтириш хати, судга оид экспертиза хулосалари ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.

Суд, судланувчи АААААААнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми, яъни *“транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш одам ўлишига сабаб бўлишида”* ифодаланган жиноят белгилари билан тўғри квалификация қилинган деб топади.

Суд, судланувчи АААААААга жазо тури ва миқдорини белгилашда судланувчининг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, унинг оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 3 нафар фарзандлари ва турмуш ўртоғи борлигини, оиласининг боқувчиси эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, пенсия ёшида эканлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмади.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 50-моддасининг 9-қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмаслиги белгиланган.

Суд, судланувчи АААААААга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчини айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, унинг оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 3 нафар фарзандлари ва турмуш ўртоғи борлигини, оиласининг боқувчиси эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, пенсия ёшида эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 44-бандида *“судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонунда назарда тутилганидан ҳам энгилроқ асосий жазо белгиланиши ёки Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида кўрсатилмаган бошқа энгилроқ асосий жазо турига ўтилиши айбдорга нисбатан қўшимча жазо тайинлаш имкониятини истисно этмайди;*

45-бандида *“жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт. Бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шугулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши кераклиги”* тўғрисида тушунтириш берилган.

Шунингдек, суд, судланувчи ААААААА мазкур жиноятни йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаганлиги оқибатида содир қилинганлигини ва натижада инсон вафот этишига сабаб бўлганлигини, келгусида уни транспорт воситалари билан боғлиқ жиноят содир этиши мумкинлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖК 45-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, яъни транспорт воситаларини бошқаришни тақиқлашни лозим топади.

Бундан ташқари, судланувчи АААААААдан фуқаровий даъвогар Саидахмедов Саидамирхон Саидмуродхон ўғлига жами 24.059.116 сўм моддий зарарни ундиришни лозим топади.

Шунингдек, суд жабрланувчи Н.Витошнованинг судланувчига моддий ва маънавий даъвоси борлигини, лекин унга қанча миқдорда моддий зарар



етказилганлигини асослантирувчи ҳужжатларни тақдим этмаганлигини инобатга олиб, судланувчидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд

ҳ у к м қ и л а д и:

ААААААА Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 2-қисми билан айбдор деб топилсин.

АААААААГа Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 2-қисми билан 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан АААААААни 15.12.2021 йилда вақтинча қamoқда бир кун ва 16.12.2021 йилдан 09.03.2022 йилга қадар уй қamoғи эҳтиёт чораси қўлланганидан сўнг, уй қamoғида сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, узил-кесил ўташи учун 3 (уч) йил-у 9 (тўққиз) ой 5 (беш) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

АААААААГа Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ижросини таъминлаш, АААААААнинг яшаш жойи бўйича ИИО ФМБ раҳбарияти зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш муддати ААААААА жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан АААААААГа:

-сутканинг муайян вақти, яъни кеч соат 21:00дан эрталабки соат 08:00га қадар яшаш жойидан чиқмаслик;

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмаслик ва Республика ҳудудидан чиқмаслик;

-жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

-алкоголли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилмаслик;

- транспорт воситасини бошқармаслик тақиқлари белгилансин.

АААААААГа жазони ўташ даврида, унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

АААААААГа нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач, бекор қилинсин.

Судланувчи Мухамедов Саидрасул Абдурасуловичдан фуқаровий даъвогар Саидахмедов Саидамирхон Саидмуродхон ўғлига жами 24.059.116 сўм моддий зарар ундирилсин.

Жабрланувчи Н.Витошнованинг судланувчига моддий ва маънавий даъвоси борлиги, лекин унга қанча миқдорда моддий зарар етказилганлигини асослантирувчи ҳужжатларни тақдим этмаганлиги инобатга олинсин ва судланувчидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида



фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья: имзо

Нусхаси аслига тўғри, судья:

